



“Абитуриентларнинг ҳужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш” интерактив хизматининг регламенти

1. Хизмат таърифи.

1.1. Хизмат номланиши.

Тошкент архитектура қурилиш институтининг (кейинги ўринларда ТАҚИ) расмий веб сайти орқали “Абитуриентларнинг ҳужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш”

1.2. Хизмат натижаси.

Аризачига ҳужжатлар тўпламини буюртма почта орқали етказиб бериш

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар.

- Тошкент архитектура қурилиш институти
- “Ўзбекистон почтаси” АЖ

1.4. Ҳуқуқий асослар.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги “Олий таълим муассасаларига қабул қилиш талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 393-сон қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 181-сон қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

ТАҚИ га кириш имтиҳонлари натижаларига кўра талабалikka тавсия этилмаган абитуриентлар.

1.6. Бажариш муддатлари.

ТАҚИ нинг масъул ходими абитуриент маълумотларини текширгандан сўнг 2 (икки) иш куни ичида ҳужжатлар тўпламини “Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг энг яқин почта бўлимига жўнатади.

“Ўзбекистон почтаси” АЖ ҳужжатлар тўпламини 5 (беш) иш кунидан кечиктирмаган ҳолда абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги энг яқин почта бўлимига етказилади.

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш.

2.1. Батафсил маълумот олиш.

ТАҚИ нинг расмий веб-сайти орқали

2.2. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

Абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги тегишли почта бўлими хужжатлар тўпламини олиш жойи ҳисобланади.

3. Иш вақтлари ва муурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба - шанба кунлари соат 9⁰⁰ дан - 17⁰⁰ га қадар. Муурожаат дам олиш кунлари ёки байрам кунлари келиб тушган тақдирда уларни кўриб чиқиш кейинги иш кунидан бошланади.

3.2. Жавобини кутиш муддатлари.

24 соат.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур бўлган хужжатлар.

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).
(қўшимча хужжатлар талаб этилса кўрсатилсин).

4.2. Хизмат тўлови

Энг кам ойлик иш ҳақининг ТАҚИ томонидан белгиланган миқдоридан [фоиз(%) ҳисобида кўрсатилсин].

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Абитуриентларнинг хужжатлар тўпламини қайтариб олиш учун электрон ариза бериш” хизмати танланади:
- аризачининг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- тўлов суммаси белгилангандан сўнг “тўловни амалга ошириш” функцияси танланади;
- автоматик равишда онлайн тўлов хизматини амалга оширувчи сайт саҳифасига ўтилади;
- сайтда банк пластик картасининг рақами (16 хонали) амал қилиш муддати “SMS хабарнома” бириктирилган телефон рақами киритилади. Тўлов шартларига розилик билдирилади. “Тасдиқлаш” тугмаси босилади:
- телефонга келган тўлов амалга ошириш учун бир марталик SMS код киритилади;
- тўлов амалга оширилганлиги ҳақида маълумот олинади;
- тўлов амалга оширилганлиги ва ариза тўғри тўлдирилганлиги тасдиқланиб. “Электрон рақамли имзо билан юбориш” функцияси танланади ва ариза юборилади.
(қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин)

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

Муурожаат келиб тушгандан сўнг ТАҚИ масъул ходими:

- абитуриент маълумотларининг тўғрилигини ва тўлов амалга оширилганлигини текширади.
- хужжатлар тўпламини “Ўзбекистон почтаси” АЖ нинг тегишли почта бўлимига жўнатади.
“Ўзбекистон почтаси” АЖ:
- хужжатлар тўпламини абитуриентнинг доимий рўйхатдан ўтган жойидаги энг яқин почта бўлимига етказилади.

4.5. Рад этиш сабаблари.

Ҳақиқий бўлмаган маълумотларнинг тақдим этилиши.

5. Хизмат кўрсатиш сифати.

5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби

Рад этиш ҳолларда фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда муурожаат этиши мумкин.

“КИРИТИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Архив мудири


Д.Джалилова
“ 28 ” 08 2017 й.

“КЕЛИШИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ахборот технологиялари
маркази бошлиғи


Э.Умматов
“ 28 ” 08 2017 й.